

КОРРУПЦИЯ ВА “ҲАЛОЛЛИК ВАКЦИНАСИ” ҲАҚИДА

Иқбол Абдушукурова, катта ўқитувчи

Гулистан давлат университети

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7443377>

Аннотация. Мақолада ҳалоллик, ҳалоллик вакцинаси, коррупция сўзларига таърифлар келтирилиб, уларнинг бугунги кунда қўлланилиши кўриб чиқилган. Ҳалоллик вакцинаси коррупцияга қарши курашишида муҳим бўлиб, уни “эмлашда” кишилар, айниқса ёшлар билан тушунтириши шиларини олиб бориш, маънавия тарбияни амалга оширишида мутафаккирларимиз асарларидан, қонуний ҳужжатлар ва Президент асарларидан фойдаланиши йўллари кўрсатиб ўтилган.

Калим сўзлар: мурожсаатнома, ҳалоллик, ҳалоллик вакцинаси, коррупция, коррупцияга қарши курашиши, маънавият.

О КОРРУПЦИИ И “ВАКЦИНЕ ЧЕСТНОСТИ”

Аннотация. В статье даются определения слов "честность", "вакцина честности", "коррупция" и рассматривается их применение сегодня. Вакцина честности важна в борьбе с коррупцией, ее важно использовать при "вакцинации" людей, особенно молодежи, в способах проведения разъяснительной работы, при использовании трудов наших мыслителей, юридических документов и трудов президента при осуществлении духовного воспитания.

Ключевые слова: послание, честность, вакцина честности, коррупция, борьба против коррупции, духовность.

ABOUT CORRUPTION AND THE “VACCINE OF HONESTY”

Abstract. The article defines the words "honesty", "honesty vaccine", "corruption" and examines their use today. The honesty vaccine is important in the fight against corruption, it is important to use it when "vaccinating" people, especially young people, in ways of conducting explanatory work, when using the works of our thinkers, legal documents and the works of the president in the implementation of spiritual education.

Keywords: message, honesty, honesty vaccine, corruption, fight against corruption, spirituality.

Кириш. Инсон аввало ўзининг маънавияти билан бошқа мавжудотлардан ажralиб туради. Маънавият тақдирнинг эҳсони эмаслиги ҳақида кўп ёзилган. Одам ўз-ўзидан маънавиятли бўлиб қолмайди. Гап унинг моҳиятини чуқур англашдадир. Маънавиятли инсон яхши яшаш учун ҳалол меҳнат қилиш керак деб ҳисоблади. Юксак маънавий фазилатлар инсонга ҳаётида барқарорлик, мазмун бағишлади. Бундай фазилатлар ичida, айниқса, ҳалоллик ва поклик инсон ҳаётида, камолотида ниҳоятда катта аҳамиятга эга. Айнан ана шу хислатлар уни бойлик орттириш йўлида инсофизлик қилишдан тияди, моддий қийинчилик кунларида иродасини мустаҳкамлайди.

Маълумки, Президентимиз Ш.Мирзиёев бир қатор чиқиш ва нутқларида муҳим масалаларни кўтариб, долзарб ташаббусларни илгари суриб келмоқдалар. Ана шу кўтарган долзарб масалалардан бири коррупцион ҳолатлардан батамом қутулиш масаласидир. Жумладан, 2020 йил 24 январ куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномасида Президентимиз “ҳалоллик вакцинаси” ҳақида гапириб: “Коррупцияга қарши курашишда аҳолининг барча қатламлари, энг яхши мутахассислар

жалб қилинмас экан, ўз олдимизга қўйган юксак марраларга эриша олмаймиз. Мана шуни ҳамма билиши керак. Энг катта масала – “ҳалоллик вакцинасини қаердан оламиз?” [1] - деган масалани ўртага қўйган эдилар.

Адабиётлар таҳлили. Президентимизнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида 2019 йил натижалари таҳлил қилиниб, 2020 йилдаги вазифалар ҳақида гапирилиб, жумладан коррупциянинг заарли иллат эканлиги, ва унга қарши курашиш лозимлиги таъкидлаб ўтилди. Мазкур мурожаатнома олимлар, қонунчилик соҳадаги мутасадди ташкилотлардаги мутахассислар орасида ОАВда кенг муҳокама ва таҳлил қилинди. Жумладан профессор И.Йўлдошев ҳам ўз мақоласида “ҳалоллик вакцинаси” ҳақида фикр билдирган бўлса, Ш.Култураев, Ш.Садикова, Ж.Ширинов коррупцияга қарши курашишнинг чора-тадбирлари ва аҳамияти ҳақида ўз фикрларини билдиришди.

Методология ва методлар. Мақолани ёзишда Президент Шавкат Мирзиёевнинг ЎзР Олий Мажлисига Мурожаатномаси, ЎзР қонуний хужжатлари, айрим муаллифларнинг мақолалари методологик асос бўлиб хизмат қилди. Таҳлилий ва тизимли ёндашув усулларидан фойдаланилди.

Муҳокама ва натижалар. Профессор И.Йўлдошевнинг таъкидлашича, ҳалоллик бор жойда фирромлик, муттаҳамлик, кўзбўямачилик, алдоқчилик, товламачилик каби салбий иллатлар бўлмайди. “Ўзбек тилининг изоҳли лугати”да “ҳалоллик” сўзига қуидаги таъриф берилади: “Виждон билан, инсоф юзасидан иш тутиш; тўғрилик, софлик” [4, 6.495; 3, 6.3]. “Ҳалоллик вакцинаси” ибораси ўзбек тили лексикасида Президентимиз томонидан илк бор қўлланилди.

Вакцина деганда нима тушунилади? “Вакцина – юқумли касалликларнинг олдини олиш ва даволаш учун ишлатиладиган эмдори; эмлашда ишлатиладиган дори”. Демак, вакцина ҳар қандай юқумли касалликнинг олдини олишга хизмат қиласи. “Ҳалоллик вакцинаси” ҳам ҳалолликка тўсиқ бўладиган, жамиятда унинг яшашига қаршилик қиласидиган салбий иллатларга, хусусан, коррупцияга қарши эмланади ва инсоннинг бундай иллатга қарши иммунитетини оширади [3, 6.3].

Ҳар қандай жамиятнинг ривожига кишан бўладиган энг салбий ҳолат – бу коррупциядир. Ундан қутулмасак, унга қарши курашмасак, кўзлаган ислоҳотларимизни амалга ошира олмаймиз, юртимиз кутилгандек тараққи эта олмайди. Афсуски, коррупция билан ҳар куни тўқнашамиз. Умуман олганда, бугунги кунда коррупция муаммосига жаҳоннинг деярли ҳар бир мамлакатида дуч келиш мумкин. Коррупция сўнгги йилларда ҳалқаро миқёсда трансмиллий жиноят сифатида томонидан кенг муҳокама қилинаётган мавзулардан биридир. Таъкидлаш лозимки, коррупция келтирадиган зарар барча давлатлар учун teng саналиб, мазкур иллат давлатнинг турли соҳаларига, хусусан сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий жабҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларга ҳамда мамлакатнинг ҳалқаро майдондаги имиджи ва инвестициявий жозибадорлигига салбий таъсир кўрсатади. Президентимиз Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек: “Жамиятимизда коррупция иллати ўзининг турли кўринишлари билан тараққиётимизга ғов бўлмоқда. Бу ёвуз балонинг олдини олмасак, ҳақиқий ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яратиб бўлмайди, умуман, жамиятнинг бирорта тармоғи ривожланмайди”[1]. Коррупцияга қарши курашишнинг устувор хуқуқий асослари қатор ҳалқаро хуқуқий нормаларда ўз ифодасини топган бўлиб, уларга қуйидагиларни

киритиш мумкин: 1) 2003 йил 31 октябрда қабул қилинган БМТ нинг Коррупцияга қарши Конвенцияси; 2) 2000 йил 15 ноябрда қабул қилинган БМТ нинг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши Конвенцияси; 3) 1999 йил 27 январдаги Европа Кенгашининг “Коррупция учун жиноий жавобгарлик тұғрисида” ги Конвенцияси ва бошқалар. Ўзбекистон юқорида таъкидланган халқаро нормалардан 2008 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши Конвенцияси, шунингдек, 2010 йилда Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти доирасыда қабул қилинган Коррупцияга қарши кураш бүйича Истанбул Харакат режасини ратификация қылган [5]. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги ПФ-6013-сонли “Ўзбекистон Республикасида Коррупцияга қарши курашиши тизимини тақомиллаштириши бүйича қўшимча чора-тадбирлар тұғрисида” ги Фармони қабул қилиниб, мазкур Фармон асосида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатини, шунингдек, коррупцияга оид хуқуқбузарликларнинг тизимли сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш ҳамда коррупцияга қарши курашиш чораларининг самарадорлигини оширишга қаратилган давлат ва бошқа дастурларни шакллантириш ва амалга ошириш мақсадида *Коррупцияга қарши кураши Агентлиги* ташкил этилди [2].

Коррупция ўзи нима? Коррупция - мансаб мавкеидан шахсий максадларда фойдаланиш билан боглик булган жиноят. Коррупция фаолияти хуфёна иктисолиётнинг асосий турларидан бири хисобланади. Аксарият холларда, коррупция деганда, давлат амалдорлари томонидан шахсий манфаатларни кузлаб, бойлик орттириш максадида уз мансабидан фойдаланиш, фукаролардан пора олиш, конунга хилоф пул даромадларини кулга киритиш тушунилади.

2017 йилда “Коррупцияга қарши курашиш тұғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қабул қилиниши – давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг коррупцияга қарши куч ва имкониятларини бирлаштириб, яхлит тизимни яратып имконини берди. Мазкур қонунда берилган таърифга кўра, коррупция – шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавкеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб, моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишида фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишида тақдим этишини англатади. Жаҳонда коррупция ҳолатларининг кўриниши ва тавсифи кўп. Унинг келиб чиқиши сабабларини очиш, унга қарши курашишнинг самарали йўлларини топиш бўйича олимлар, халқаро ташкилотлар, давлат органлари томонидан юзлаб тадқиқотлар ўтказилган.

Мамлакатимизда “коррупция” сўзи ишлатилган 207 та норматив-хуқуқий хужжат мавжуд. Уларнинг барчасида ушбу сўз коррупцияга қарши курашиш мақсадида ишлатилган [7].

БМТ Бош Ассамблеясининг 1990 йил Гаванада коррупция муаммоларига багишлиб ўтказилган минтакалараро семинарида қабул қилинган Давлат хизматчилари учун халқаро хулк-атвор кодексида “коррупция бу мансабдор шахсларнинг шахсий ёки гурӯҳ манфаатини кузлаб мансабини сунистеъмол килиш, шунингдек давлат хизматчилари томонидан узлари эгаллаб турган хизмат вазифаларидан гайриконуний фойдаланиш куринишларидир”, дейилади. Ушбу таърифда коррупциянинг узагини мансаб ваколатларидан гайриконуний фойдаланиш ташкил этиши курсатилган. [6, р.1-2].

Хулоса ва тавсиялар. Олий Мажлис Конунчиллик палатаси депутати Ш.Шириновнинг фикрича: Президентимиз ўз Мурожаатномасида “коррупцияга қарши курашишда аҳолининг барча қатламлари, энг яхши мутахассислар жалб қилинмас экан, жамиятимизнинг барча аъзолари, таъбир жоиз бўлса, “ҳалоллик вакцинаси” билан эмланмас экан, ўз олдимиизга қўйган юксак мэрраларга эриша олмаймиз”, дея таъкидлаб ўтдилар. Албатта, биз “коррупцияга қарши иммунитет”ни ҳосил қилиш учун “коррупционер” ва унинг атрофини ҳам тозалашимиз, аниқроғи, коррупцияга шарт шароит яратувчи омилларни йўқотишимиз лозим.

Коррупцияга қарши курашиш учун қуидаги 4 та таъсир воситаси баравар қўлланилиши керак. Биринчидан, ҳалол ишлашни рағбатлантирувчи таъсир. Бунда: муносиб маош, коррупция ҳақида хабар берган шахсларни рағбатлантириш, ҳалол инсонни юқори лавозимларга тайинлаш принципи татбиқ этилади.

Иккинчидан, коррупцияга шароит омилларини тўсувчи таъсир. Бунда давлат хизматларини ахборот-коммуникация технологиялари орқали кўрсатиб бориш йўли билан инсон омилини қисқартириш, ҳуқуқбузарликларни қайд этишнинг электрон тизими, давлат назоратини мақбуллаштириш, давлат хизматчиларини лавозимга тайинлашнинг танлов асосида ўтказилиши, тадбиркорлик фаолияти учун бюрократик тўсиқларни бекор қилиш, манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш, судларнинг мустақиллигини таъминлаш кабилар муҳим роль ўйнайди.

Учинчидан, коррупцияга қарши маърифий таъсир. Бунда шахсда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, диний уламоларимиз томонидан коррупцияга қарши диний-маърифий даъват олиб бориш мақсадга мувоғик.

Тўртинчидан, коррупцияга қарши назорат тизими. Бунда давлат органлари ва мансабдор шахслар устидан кучли жамоатчилик назорати, давлат органлари фаолиятининг очиқлиги, мансабдор шахсларнинг халқ олдида ҳисобдорлиги, коррупцияни фош этиш борасида профессионал тадқиқот олиб бора оладиган нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда “журналистик текширув”лари, коррупция ҳолатларининг “латент” бўлиб қолишининг олдини олиш, коррупция учун жавобгарликнинг муқаррарлиги таъминланиши ва ҳк.

Умуман олганда, коррупцияга қарши курашиш фақатгина давлат органларининг эмас, балки бу борада жамоатчиликнинг ҳам фаол иштирок этиши кутилган самарани беради [7].

Ҳалоллик вакцинаси аввало ҳар бир оилада бўлиши лозим. Чунки, Оила-муқаддас даргоҳ. Оила-жамиятнинг бош бўғинидир. Унда ватаннинг эртанги куни, миллатнинг келажаги бўлган ёш авлод камол топади. Бу ўринда оилада фарзанд тарбияси учун масъул бўлган ота-она зиммасига катта масъулият юкланди. Зоро, буюк бобокалонимиз Абдулла Авлоний айтганидек: “Тарбия биз учун ё ҳаёт ё мамот, ё нажот ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласидир”. Бу сўзлар бугунги кунда ўз аҳамиятини заррача йўқотмаган. Бундан ташқари ота-она ҳам фарзанди учун шахсий намуна бўлиши лозим. Шу билан бирга ҳар бир корхона ва ташкилотларда унинг ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар ҳуқуқий маданият юксак даражада бўлиши, ходимларда эса коррупцияга қарши муросасиз кайфият шаклланиши лозим [8].

Азалдан буюк мутафаккирларимиз ўз асарларида инсониятни ҳалолликка, адолат, саховатпешаликка, инсонпарварликка чақирганлар. Алишер Навоийнинг “Одами эрсанг демагил одами, Оники йўқ халқ ғамидин ғами” сатрлари бизга мактаб давридан маълум. Президентимиз томонидан илгари сурилган 5та ташаббуснинг бири – ёшларни китобхонликка кўпроқ жалб қилиш, хусусан, буюк мутафаккирларимиз асарларини чоп эттириш, уларни таълим муассасаларида ўрганиш ва ўқитилишини ташкил этиш мухимдир. Бунга эътибор қаратсақ, ёшларимизда “ҳалоллик иммунитети” шаклланади, баркамол авлодларимизнинг сафлари кенгаяди.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси (2020 йил 24 январь) // https://nrm.uz/contentf?doc=612860_
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги ПФ-6013-сонли “Ўзбекистон Республикасида Коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги Фармони. // <https://lex.uz/docs/48757584>
3. Йўлдошев И. Навоий талқинида ҳалоллик. // Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти хабарлари. 2020/1(13). Б.3-4.
4. Ўзбек тилининг изоҳли лугати. / http://idum.uz/uz/archives/10087;_X._ // https://n.ziyouz.com/books/uzbek_tilining_izohli_lugati/O'zbek%20tilining%20izohli%20lugati%20-%20H.pdf
5. Култураев Ш. Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатини такомиллаштириш масалалари // http://ombudsman.uz/_uz/docs/ozbekistonda-korruptsiyaga-qarshi-kurashish-sohasida-davlat-siyosatini-takomillashtirtish-masalalari\Садикова Ш.М. Коррупцияга қарши курашишнинг халқаро стандартлари // Central Asian academic journal of Scientific Research. Volume 2| Issue 2| 2022. P. 16-26.
6. Ширинов Ж. Коррупцияга қарши курашишнинг 4 таъсир воситаси // <http://old.muslim.uz/index.php/maqolalar/item/18861>
7. Ҳалоллик вакцинаси ва унинг жамият ҳаётидаги аҳамияти // <https://customs.uz/uz/news/view/3517>